

**ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОЛДНИ ОЛИШ, АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ**

**Ишлаб чиқилган:**

Тузилмавий бўлима

*Исми ва фамилияси*

*Имзоси ва санаси*

Молия бўлими

Маръета Пирц

Юридик хизмати

Барбка Рус Крумбергер

**Маъқулланган:**

Тузилмавий бўлима

*Исми ва фамилияси*

*Имзоси ва санаси*

Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш бўйича ваколатли шахс  
Грегор Редек

Кадрлар сектори

Дори Сильвия Горенц

Бошқарув кенгашининг ваколатли аъзоси

Давид Братож

**Тасдиқланган**

*Сана*

Компания бошқаруви

«KRKA, д. д., Ново место» бошқарувининг йигилишида ...сонли қарор билан 15.07.2020 куни тасдиқланди

**Кучга кириш санаси: 1. 8. 2020**

<i>Олдинги нашрлар</i>	
<i>Нашр</i>	<i>Ўзгартиришининг таърифи</i>
Бошқарув кенгашининг ...сонли қарори	Хар 2 йилда мунтазам текшириш. Мазмунни мос келади, компаниядаги жараёнларни жорий ташкиллаштириш ва ваколатлар билан келишиш зарур. Шунинг учун ўзгаришлар туфайли ходимларни ўқитиш талаб этилмайди, хужжат аввалги версияси каби таркалади.
Бошқарув кенгашининг 72/2018-сонли қарори	Янги "Виждонсиз хатти-харакатлар ва корпоратив фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш түгрисидаги Низом" 2015 йилдаги "Фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш түгрисидаги Низом" ва

KRKA, д.д., Ново место

	2015 йилдаги "Фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш сиёсати"ни ўрнини эгаллади.
Бошқарув кенгашининг 259/2015- сонли қарори	7.12.2015 йилдаги Фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш түгрисидаги Низоми 7.12.2015 йилдаги Фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш түгрисидаги Сиёсати

**МАЗМУНИ**

I	Мақсадлари.....	3
II	Диапазони ва қўлланилиш соҳаси .....	3
III	Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни тақиқлаш .....	4
IV	Виждонсиз хатти-харакат ва фирибгарликка қарши қурашиш тизими.....	4
V	Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик билан қурашиш муолажалари ва чоралари .....	6
VI	Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон түгрисидаги аризани бериш .....	6
VII	Аризаларни кўриб чиқиши муолажаси.....	7
VIII	Ўтиши ва якуний қоидалар .....	7

ВИЖДОНСИЗ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР ВА КОРПОРАТИВ  
ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОЛДНИ ОЛИШ, АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ

КРКА, д.д., Ново место

I Мақсадлари

Фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов килиш түгрисидаги Низоми (кейинги ўринларда Низом) фирибгарликка қарши курашиш бўйича асосий мақсадларни, тамойилларни ва тизимни белгилаб беради. Низом шунингдек, КРКА ходимларининг виждонсиз хатти-харакатлар ва корпоратив фирибгарликнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов килиш билан boglik вазифалари ва жавобгарликларини белгилаб беради.

Низом амалдаги қоидаларга, тавсияларга ва КРКАдаги ахлоқий ҳулқ тамойиллари ва қоидаларини, виждонли иш амалиётини ва ахлоқ меъёрларини белгилаб берувчи КРКА компаниясининг Ҳулқ кодексига асосланади.

КРКА компаниясининг виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик соҳасидаги мақсадлари қўйидагича:

- фирибгарликка нисбатан нолга тенг бўлган толерантлик тамойилига риоя қилган ҳолда унинг даражасини пасайтириш;
- ходимларнинг фирибгарликнинг белгилари ва уларни бошқариш усуслари түгрисидаги хабардорлигини ошириш;
- фирибгарликни аниқлашда ва у ҳақида хабар беришда ходимларнинг масъулияти ҳақида хабардор килиш (хабар бериш);
- фирибгарликнинг олдини олиш ва аниқлаш билан boglik ички назорат тизимларини доимий такомиллаштириш ва бошқариш;
- фирибгарлик ҳолатларини огохлантириш, аниқлаш ва текшириш имконини берувчи тегишли ресурслар билан таъминлаш;
- тегишли меъёрлар, кўрсатмалар ва кодексларга риоя қилиш;
- фирибгарликка нисбатан гумонни ўз вақтида ва тегишли равишда текширишга ғамхўрлик қилиш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик түгрисида ариза берган шахсларнинг анонимлигини таъминлаш;
- КРКА компаниясининг обрўси ва мулкини ҳимоя қилиш.

II Диапазони ва қўлланилиш соҳаси

Мазкур Низом КРКА компаниясининг барча ходимларига тегишли, улар КРКАга ва барча бошқа юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда учинчи шахслар) нисбатан шу Низомга мувофиқ иш тутишлари керак.

Мазкур Низомга асосан виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон бўлган аризани КРКАнинг барча ходимлари ва учинчи шахслар бериши мумкин.

Фирибгарлик ва коррупция билан курашиш соҳасидаги амалдаги меъёрлар, кўрсатмалар, ҳалқаро ҳулиқ меъёрлари ва КРКАнинг ички ҳужжатларига мувофиқ мазкур Низомда КРКА ходимлари ўз ишида ва компаниянинг бизнес-жараёнларида ҳар доим риоя қилиши керак бўлган асосий тамойиллар ва қоидалар белгилаб кўйилган.

КРКАнинг қарам жамиятлари мазкур Низом меъёrlарига риоя қилишни таъминлашлари керак, шу қаторда, агар шундайлари мавжуд бўлса, янада қатъиyoқ миллий талабларни ҳисобга олиш зарур.

KRKA, д.д., Ново место

Барча ходимлар электрон таълим орқали ёки бошқа тегишли усулда мазкур Низомнинг мазмунин билан танишиб чиқишилари керак. Низомнинг ўзгаришлари ҳақида ходимлар тегишли равишда хабардор килинади. Янги ходимлар Низомнинг мазмунин билан ишга киришда танишиб чиқадилар.

### III Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни тақиқлаш

Амалдаги қоидаларда белгиланган барча турдаги виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик тақиқланади. Бундай хатти-харакатларга биринчи навбатда куйидагилар киради:

- **Коррупция-** ўзи учун ёки учинчи шахс учун фойда олиш мақсадида хизмат лавозимини сунистельмол килиш. Агар фойда тегишли хатти-харакат бузилишига ёрдамлашиш ёки уни рагбатлантириш мақсадида ваъда қилинган ёки тақдим этилган бўлса, ёки тегишли хатти-харакатни бузиш учун тўлов сифатида қабул қилинган бўлса бундай хатти-харакат коррупцион аҳамиятга эга бўлади.
- **Корпоратив фирибгарлик (ёки кейинги ўринларда "фирибгарлик")-** KRKA компанияси ёки учинчи шахсларнинг зарагига ноқонуний ёки асосиз фойда олиш билан тавсифланадиган ҳар қандай ахлоқсиз ва/ёки ноқонуний ҳаракат. Фирибгарликка, асосан, ёлгон, вазиятларни яшириш ёки ишончни сунистельмол қилиш, қалбакилаштирилган молиявий ҳисбот ва ҳоказолар киради. Алоҳида шахслар ёки компаниялар айниқса пул маблаглари ёки мулк кўринишидаги моддий фойданни олиш мақсадида, ёки KRKA компанияси ёки учинчи шахслар зарагига ноқонуний усулда ўз манфаатларини рўёбга чиқариш мақсадида фирибгарликни амалга оширадилар. Ёлгон ҳаракатлари орқали алоҳида шахслар ёки компаниялар тўловлардан ёки хизматларни йўқотишдан қочишга ҳаракат қиласилар, ва ноқонуний ҳаракатлари орқали- ўзларининг шахсий ёки тижорат фойдасини химоя қилишга уринадилар.
- **Порахўрлик-** порани, яъни ноқонуний ва ахлоқсиз хатти-харакатга ёки ишончни сунистельмол қилишга рагбат учун фойданни талаб қилиш, олиш, ваъда қилиш, таклиф қилиш, бериш ёки уни олишда воситачилик қилиш.
- **Манфаатлар тўқнашуви-** коррупцияга ёки бошқа ноқонуний ишларга олиб келиши мумкин бўлган хатти-харакат ёки хатти-харакатга ундаш имкони пайдо бўлиши мумкин бўлган вазият. Манфаатлар тўқнашуви инсон лавозимига бўлган мажбурият ва талаб билан шахсий манфаатлари ўртасидаги танловга дуч келиши билан тавсифланади.

### IV Виждонсиз хатти-харакат ва фирибгарликка қарши курашиш тизими

Виждонсиз хатти-харакат ва фирибгарликка қарши курашиш бўйича назорат чораларининг мажмуаси KRKA ташкилий тузилмасининг барча даражаларида амалга оширилади, бунда уларнинг мақсади бизнес-жараёнларнинг сифатини, шаффофлигини, хавфсизлигини ва самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Мазкур назорат чораларининг асоси бўлиб ташқи ва ички қоидалар, стандартлар, яхши ишчи амалиётлари, кодекслар, хужжатларни бошқариш тизимлари, ваколатлар ва ходимларнинг масъуллиги ва ҳоказолар хизмат киласиди. Назорат чоралари шунингдек, фирибгарликни бартараф этиш, ходимлар орасида хабардорликни ва фирибгарлик ҳақидаги хабарларни тақдим этиш масъулияти даражасини ошириш, виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни ажратади билдиш, аниқлаш ва тергов қилиш учун мўлжалланган.

KRKA компаниясининг ривожланиш стратегиясида ва сифат бўйича Бошқарувида белгиланган мақсадларга эришишни хавф остига қўйиши мумкин бўлган омилларни ўз вактида аниқлаш ва бошқариш учун KRKAда асосий стратегик ва операцион хавфларни бошқаришни таъминлайдиган назорат муҳити тузилган. Алоҳида назорат чоралари шунингдек, виждонсиз хатти-харакат ва фирибгарлик билан курашиш тизимиға ҳам тааллуқли.

ВИЖДОНСИЗ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР ВА КОРПОРАТИВ  
ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ

КРКА, д.д., Ново место

**КРКА компанияси хавфларининг рўйхати-** бу потенциал хавфларнинг хар томонлама обзори, ва унга Фаолият яхлитлигини мустаҳкамлаш бўйича режа қўшимча бўлади. КРКА компаниясида хавфларни бошқариш барча бизнес-жараёнларга киритилган. Бизнес-жараёнларнинг узлуксизлиги ва хавфларни камайтирилиши учун назорат чораларини ва жавобгарлик турларини белгилаб берувчи кўп сонли стандарт операцион муолажалар ва бошқа ички йўриқномалар қўлланилади.

Куйида ишлаб чиқариш даражалари бўйича виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш учун жавобгар шахслар келтирилган.

**«КРКА, д. д., Ново место» АЖ компаниясининг бошқарув кенгаши** тегишли назорат муҳитини яратилишини таъминлайди, унинг ёрдамида мулкнинг қиймати ва компаниянинг обрўси саклаб қолинади. Бошқарув кенгаши фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахсни тайинлайди, у шунингдек, виждонсиз хатти-харакатларни ва фирибгарликни бартарафа этиш, аниқлаш ва тергов қилиш учун жавоб беради.

**Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс қуидагилар** учун жавобгар хисобланади:

- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик хавфини баҳолаш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш учун ички назорат тизимлари бўйича таклифларни киритиш;
- виждонсиз хатти-харакат ва фирибгарликка нисбатан гумон бўлган хар бир аризани тегишли равища кўриб чиқиш ва бундай аризаларни берган шахсларни ҳимоя қилиш;
- ходимларни мазкур Низомнинг мазмуни билан таништириш, ўргатиш ва хабардорлигини ошириш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумонларни текшириш тўғрисидаги аризалар ва ҳужжатлар хисобини юритиш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш муолажалари тўғрисидаги хисботларни бошқарув кенгашига тақдим этиш;
- ташқи мутахассислар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ҳамкорлик қилиш.

**Департаментлар, бўлимлар ва мустақил хизматларнинг раҳбарлари қуидагилар** учун жавобгар хисобланади:

- улар жавобгар бўлган соҳадаги фирибгарликлар хавфларини баҳолаш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик билан курашиш учун самарали ички назорат тизимини жорий қилиш;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан нолга тенг бўлган толерантликка риоя қилиш;
- тегишли чораларни ўтказиша виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахснинг тузилмавий бўлинмаси билан боғлик бўлса, улар билан ҳамкорлик қилиш.

**Ҳар бир ходим қуидагилар** учун жавобгар хисобланади:

- КРКА компаниясининг Хулқ кодексига ва барча тегишли қоидаларига мувофиқ ҳаққоний ва тегишли хатти-харакатларга;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликни кўрсатиши мумкин бўлган ҳаракатлар ёки молиявий операциялар тўғрисида хабар беришга;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик тўғрисидаги далилларни саклаш ва ҳимоя қилишга;

КРКА, д.д., Ново место

- Фирибгарликқа нисбатан нолға тенг бўлган толерантликка риоя қилишга.

V Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик билан курашиш муолажалари ва чоралари

Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик билан курашиш муолажалари ва чоралари олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилишга бўлинади. Асосий эътибор фирибгарликни олдини олишга қаратилади. Йирик фирибгарликка нисбатан гумоннй тергов қилиш тегишли малакага эга бўлган мутахассислар ва тегишли органларнинг ваколатида бўлган бир пайтда фирибгарликни аниқлаш бўйича чоралар ҳам мухим.

Фирибгарлик хавфларини камайтириш мақсадида, айнан ички ҳужжатлар ва йўриқномаларни қабул қилиш ва уларга ўзгартаришлар ва қўшимчаларни киритиш йўли билан ички назорат тизимини такомиллаштириш ҳам фирибгарлик билан курашиц соҳасидаги мунтазам чора хисобланади.

Хавфларни камайтирувчи ва манфаатлар тўқнашуви пайдо бўлишини бартараф этувчи, шу билан КРКА компаниясига заар етказилишини бартараф этувчи стандарт операцион муолажалар ва қоидалар ёрдамида КРКА манфаатлар тўқнашувини бошкариш тизимини таъминлайди.

КРКА соглықни сақлаш соҳаси билан барча муносабатлар амалдаги қоидаларга ва кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилиши, ҳамда ноконуний ҳаракатлар имконияти камайиши борасида кайғуради. Тиббиёт вакиллари қоидаларга мувофиқ ҳаракат қиласидилар ва маҳсулотни илгари суриш бўйича тегишли таълимни оладилар.

Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарлик билан самарали курашишда ходимларни ўргатиш ва тайёрлаш мухим роль ўйнайди. Таълим дастурлари, корпоратив ОАВдаги эълонлар ва пештоқлардаги эълонлар ёрдамида КРКА хабардорликнинг тегишли даражасини таъминлайди, унинг асосида ходимлар виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликнинг белгиларини ёки шундай бўлиши мумкин бўлган алоҳида харакатларни аниқлаб олишга қодир.

**VI Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон түғрисидаги аризани бериш**

Виждоңиз хатти-харакатлар ва фирибагарликка нисбатан гумон түғрисидаги аризани барча ходимлар ва учинчى шахслар бериши мүмкін.

Агар КРКА ходими виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумонни кўрсатувчи хатти-харакатни сезиб колса, у хақида раҳбарни хабардор қиласи. Агар ишнинг табиати ёки шароитлар бунга йўл кўймаса, Юридик хизматни ёки фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахсни хабардор қиласи. Виждонсиз хатти-харакатлар ёки фирибгарликка нисбатан гумон бўлган аризалар шунингдек аноним бўлиши мумкин. Виждонсиз хатти-харакатлар ёки фирибгарликка нисбатан гумон бўлган аризаларни бериш учун электрон манзил: [compliance.officer@krka.biz](mailto:compliance.officer@krka.biz).

Агар даъво берган шахс анонимликни сақлаб қолишни истамаса, у виждонсиз хатти-харакатлар ёки фирибгарликка нисбатан бўлган гумонини телефон орқали хабар қилиши мумкин, айнан:

- фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахсга – **(07) 331 2600**,
  - Юридик хизмати раҳбарига – **(07) 331 95 95**.

ВИЖДОНСИЗ ХАТТИ-ХАРАКАТЛАР ВА КОРПОРАТИВ  
ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ, АНИҚЛАШ ВА ТЕРГОВ  
ҚИЛИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ

КРКА, д.д., Ново место

КРКА аризачи түгрисидаги маълумотларнинг махфийлигини сақлаш, ушбу маълумотлар билан ишлашда касбий эҳтиёткорликка риоя қилиш ва қандайдир жавобан чоралардан тегишли ҳимояни таъминлаш мажбуриятини олади.

**VII Аризаларни кўриб чиқиши муолажаси**

Алоҳида аризаларни кўриб чиқиши учун фаолият белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс Юридик хизмати билан ҳамкорликда, зарурат туғилганида, маҳсус гурухни тайинлайди, унинг таркиби, ўзидан ташқари турли тузилмавий бўлинмалардан виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумонларни тергов қилишда зарур маҳсус билимларга эга бўлган яна 2-4 ходим кириши мумкин. Тайинланган гурух виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон бўлган ҳар бир аризани кўриб чиқади, унинг вужудга келиш сабабларини тергов қиласди, тузатувчи ва профилактик чораларни таклиф қиласди. Фирибгарлик мазкур ишга ихтисослашган ходимлар томонидан, зарур бўлса шунингдек, штатсиз мутахассислар ва хукукни муҳофаза қилувчи органларнинг вакиллари томонидан тергов қилинади.

Виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон түгрисида ариза берган шахс ихтиёрий асосда ва зарап етказиш ниятисиз жавобан чоралардан ҳимоя қилинади. Унга тегишли кўмак кўрсатилади ва уни ариза бўйича қарор ҳакида хабардор қилиш мумкин. Аризачи түгрисидаги маълумотларга нисбатан маҳфийликка амал қилинади. Қандайдир жавобан чораларга КРКА компанияси Хулқ кодексининг ўта жиддий бузилиши деб қаралади.

Фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс тушган аризалар ва улар билан боғлиқ кўрилган чоралар ва ҳаракатларнинг ҳисобини юритиши керак.

Хулосаларга қараб, фаолиятнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлишини таъминлаш бўйича ваколатли шахс компетентли бўлинмага ва, зарурат бўйича, Бошқарув кенгашига куйидаги чоралардан бирини қўллашни таклиф қиласди:

- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон асоссиз ҳисобланади, келгусида кўриб чиқиши талаб қилинмайди;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон асосли ҳисобланади, масалан, санкциялар каби ички чораларни қўллаб, назорат муолажаларини яхшилаш зарур;
- виждонсиз хатти-харакатлар ва фирибгарликка нисбатан гумон асосли ҳисобланади, келгусида мазкур ишга ихтисослашган ходимлар, штатсиз мутахассислар ёки хукукни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тергов олиб бориш зарур.

Аниқланган фирибгарлик ҳолатларини кўриб чиқиши тегишли мамлакатда амал қиласиган қонунчиликка мувофиқ ўтказилади.

**VIII Ўтиш ва якупий қоидалар**

Низом компаниянинг бошқарув кенгаши томонидан тасдиқланади. У КРКАнинг ҳам ички (Крканет), ҳам умумий эришимли сайтида нашр қилинган.

Мазкур Низом кучга кирган санадан бошлаб 7.12.2015 йилдаги Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш түгрисидаги Низом ва 7.12.2015 йилдаги Фирибгарликни олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилиш сиёсати бекор қилинади.

Мазкур Низом икки йилда бир марта қайта кўриб чиқилиши ва, зарур бўлганда, унга ўзгартеришлар киритилиши мумкин.